

11 январь 2022 й

«AKMAL FAYZ SERVIS» МЧЖ, кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи Икрамов А.А. номидан, бир томондан ва МИБ Самарканд вилоят бошқармаси, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи А.Закиров _____ - номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Бажарувчи» «Буюртмачи» га Автотранспорт воситаларини жорий таъмирлаш ва хизмат курсатиш (кейинги ўринларда - «Хизматлар» деб юритилади) хизмат кўрсатиш, «Хизматлар»ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

№	Эҳтиёт қисмлар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси
1	За ремонт и тех обслуживание	услуга	1	4418000	4 418 000
	Итого				4 418 000

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

- 2.1.1. «Бажарувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- 2.1.2. «Бажарувчи»дан «Хизматлар» «Буюртмачи»нинг ҳисобига 2 транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
- 2.1.3. «Бажарувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган «Хизматлар» кўрсатилишини талаб қилиш;
- 2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган «Хизматлар» кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:
 - зарур сифатга эга бўлмаган «Хизматлар» шунга ўхшаш «Хизматлар» билан алмаштирилишини;
 - «Хизматлар»нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд унинг шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
 - баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
- 2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Бажарувчи»дан талаб қилиш.

2.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

- 2.2.1. «Хизматлар»ни 2021 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида «Бажарувчи» билан шартнома тузиш;
- 2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган «Хизматлар»ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;
- 2.2.3. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, ғазначилик бошқармаси рўйхатидан ўтказгандан сўнг 3 кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 2.3.1. Кўрсатилган «Хизматлар» учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини «Буюртмачи»дан талаб қилиш;
- 2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган «Хизматлар»ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини «Буюртмачи»дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

- 2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бошқармасидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг «Хизматлар»ни кўрсатиш;
- 2.4.2. «Буюртмачи»га «Хизматлар»ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;
- 2.4.3. Агар «Хизматлар»ни кўрсатиш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, «Буюртмачи»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни __ кун муддатда текин тузатиб бериш.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 4 418 000 (Турт миллион турт юзун саккиз минг) сўми 15% ККСбилан ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган. Бажариладиган ишлар (хизматлар) учун олдиндан тулов миқдори 15 % ни ташкил қилади
- 3.2. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибдаюз ҳисоб-китоб қилинади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.
- 4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Кўрсатилаётган "Хизматлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Хизматлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдориде жарима тўлайди.
- 5.2. Агар кўрсатилган "Хизматлар"нинг сифати, ассортиментни, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" қийматининг 20 фоизи миқдориде жарима тўлайди.
- 5.3. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдориде жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 5.4. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.5. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориде махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб

чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контракция шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юкори деб топилган тақдирда уртадаги фарк товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

7.2 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

7.3 Мазкур шартнома нусхада тузилган бўлиб 2022 йил 19.01.2022 йил «31» декабр гача амал қилади. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Самарқанд вилоят газначилик бошқармасида белгиланган тартибда рўйхатдан утказилгандан сунг қонуний кучга қиради

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шarti билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.)

IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

«AKMAL FAYZ SERVIS» МЧЖ

(мол етказиб берувчининг номи)

«Буюртмачи»

МИБ Самарқанд вилоят бошқармаси

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Самарқанд ш. Чуқур йул 49

Тел: 90 656 00 68

х/в 20208000705024260001

Банк номи ТРАСТ банк Самарқанд фил

ФО 01097 ИНН 302522543

ОКОНХ 14933 ОКЭД 45201

Манзил: Самарқанд вилоят бошқармаси

Тел: 4001 1086 0184 0170 3660 0010 001

Тел: 394 964 601 Тел: (0366) 221-50-02

х/в Самарқанд вилояти бўйича Газначилик бoшқармаси

С/ҳисоб н/в: 23402 000 3 00100001 010

Банк номи ХКММ Ташкент ш. бoш бoшқармаси

Марказий банк: ХКММ Ташкент ш. бoш бoшқармаси

МФО ИНН ОКОНХ ОКЭД



Рахбар

Икрамов А.А.

(Ф.И.Ш)

(имзо)

М.Ў.



Рахбар

(Ф.И.Ш)

(имзо)

М.Ў.

Хуқуқшунос

Лицензия (диплом) № берилган санаси:

№ _____ 20 ____ й

СПЕЦИФИКАЦИЯ

Согласования наименование, ассортименты, количество и цена товаров

п/п	Наименование запасных частей	единицы измерения	количество	цена за единицу	сумма	НДС	
						Ставка	
Нексия -3 30 905 ZDF							
1	ступицы	шт	2	150000	300000	15	39130
2	ступицы	шт	2	150000	300000	15	39130
3	Наконечник	шт	1	193000	193000	15	25174
4	Шаровой	ком	1	225000	225000	15	29348
5	Косточка передняя	ком	1	150000	150000	15	19565
6	Сальник блок	шт	1	150000	150000	15	19565
7	Чашка	ком	1	162500	162500	15	21196
8	передняя	ком	1	185000	185000	15	24130
9	Стабилизатор резин	ком	1	31250	31250	15	4076
10	Памперс	шт	1	12000	12000	15	1565
11	Мотор подушка	шт	1	321500	321500	15	41935
12	Хомут	шт	10	1500	15000	15	1957
13	За работу	услуга	1	350000	350000	15	45652
	Итого				2395250		
Нексия -3 30 913 ZDF							
14	Моторное масло 10/40 4л	шт	1	310500	310500	15	40500
15	Фильтр масляный	шт	1	31250	31250	15	4076
16	Фильтр воздушный	шт	1	47500	47500	15	6196
17	Антифриз	л	1	31250	31250	15	4076
18	За работу слесаря	услуга	1	25000	25000	15	3261
	Итого				445500		
Каптива 30 901 ZDF							
19	Аккумулятор 75А	шт	1	1275000	1275000	15	166304
	Итого				1275000		
Нексия -3 30 917 ZDF							
20	Авто заслонка	шт	1	1350000	1350000	15	176087
21	программы	услуга	1	125000	125000	15	16304
22	За работу слесаря	услуга	1	80000	80000	15	10435
	Итого				1555000		
Ласетти 30 902 ZDF							
23	Салон полик корейский	ком	1	375000	375000	15	48913
24	скорость чехол	шт	1	56250	56250	15	7337
25	Ручник чехол	шт	1	36500	36500	15	4761
	Итого				467750		
	Всего				4418000	15	576261



Икрамов А.А.



Руководитель

А.Закиров

ДЕФЕКТНЫЙ АКТ №141

г. Самарканд.

При осмотре автомобилей марки Нексия-3 гос ном № 30 904 ZDF, 30 917 ZDF, 30 920 ZDF

Принадлежащей МИБ Самарканд вилоят бошкармаси

В присутствии водителя Х. Абдукаюров

обнаружили следующие дефекты, запасных частей и агрегатов.

п/п	Наименование запасных частей	единицы измерения	количество	цена за единицу	сумма	НДС	
						Ставка	
Нексия -3 30 905 ZDF <i>Сам.ш</i>							
1	Подшибник передней ступицы	шт	2	150000	300000	15	39130
2	Подшибник задний ступицы	шт	2	150000	300000	15	39130
3	Наконечник	шт	1	193000	193000	15	25174
4	Шаровой	ком	1	225000	225000	15	29348
5	Бачка передняя	ком	1	150000	150000	15	19565
6	Сальник блок	шт	1	150000	150000	15	19565
7	Чашка	ком	1	162500	162500	15	21196
8	Тормозная колодка передняя	ком	1	185000	185000	15	24130
9	Стабилизатор резин	ком	1	31250	31250	15	4076
10	Ламперс	шт	1	12000	12000	15	1565
11	Мотор подушка	шт	1	321500	321500	15	41935
12	Хомут	шт	10	1500	15000	15	1957
13	За работу	услуга	1	350000	350000	15	45652
Итого					2395250		
Нексия -3 30 913 ZDF <i>Ташкент</i>							
14	Моторное масло 10/40 4л	шт	1	310500	310500	15	40500
15	Фильтр масляный	шт	1	31250	31250	15	4076
16	Фильтр воздушный	шт	1	47500	47500	15	6196
17	Антифриз	л	1	31250	31250	15	4076
18	За работу слесаря	услуга	1	25000	25000	15	3261
Итого					445500		
Каптива 30 901 ZDF							
19	Аккумулятор 75А	шт	1	1275000	1275000	15	166304
Итого					1275000		
Нексия -3 30 917 ZDF							
20	Авто заслонка	шт	1	1350000	1350000	15	176087
21	Компьютерное обработка программы	услуга	1	125000	125000	15	16304
22	За работу слесаря	услуга	1	80000	80000	15	10435
Итого					1555000		
Ласетти 30 902 ZDF							
23	Салон полик корейский	ком	1	375000	375000	15	48913
24	скорость чехол	шт	1	56250	56250	15	7337
25	Ручник чехол	шт	1	36500	36500	15	4761
Итого					467750		
Всего					4418000	15	576261

Всего к оплате: Четыре миллиона четыреста восемнадцать тысяч сум

О чем составлен настоящий акт.

Икрамов А.А.

Руководитель

Представитель



Х. Абдукаюров
Х. Абдукаюров